



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 27 » июль

№ ПФ–114

Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада маданият ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича самарали ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг туризм хизматларини диверсификация қилиш, айниқса, маҳаллий ва хорижий туристлар учун экоҳудудлар, тоғ ва чўл ҳудудлари ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарининг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда экотуризмни ривожлантириш ишларини амалга ошириш зарур.

Қолаверса, маданият соҳасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини янада ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш учун барча шароитларни яратиш лозим.

Мазкур вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Маданият ва туризм вазирлиги негизида:

Маданият вазирлиги;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида **Туризм қўмитаси**;

б) Маданият ва туризм вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки, Маданият вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари ҳамда Туризм қўмитаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари штат бирликлари Маданият ва туризм вазирлигининг мавжуд штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Қуйидагилар:

Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш ва қайта номлаш дастури 2-иловага мувофиқ;

Маданият вазирлиги тизимида янги ташкил қилинаётган муассасалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Кинематография агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Маданият ва санъат соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маданият ва санъат соҳасида таълимни тизимли ислоҳ қилиш, миллий мусиқа ва театр санъати, илмий-тадқиқот ишлари ва ижрочилик маҳоратининг янги тизимини жорий қилиш мақсадида **қуйидаги чора-тадбирлар белгилансин:**

а) миллий муסיқа санъати кластери яратилиб, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда малакасини ошириш тизимли йўлга қўйилади. Бунда:

миллий муסיқа санъати йўналишида таълим ва илмий-тадқиқот ишлари такомиллаштирилиб, ижрочилик маҳорати мактабларининг **яхлит тизими** жорий этилади;

бастакорлар, ҳофиз ва созандалар, бахшичилик санъати вакилларининг **ноёб асарлари** ноталаштирилади;

таълим жараёнининг узлуксизлиги ва узвийлиги таъминланиб, назарий ва амалий билимларни интеграция қилиш орқали мақом, бахши ва дoston ижрочилиги йўналишларида **истеъдодли ёшлар селекцияси** амалга оширилади;

б) давлат муסיқали, драма ҳамда **қўғирчоқ театрларида** ягона **репертуар стратегияси** асосида ғоявий, маънавий ва бадиий жиҳатдан пухта яратилган сахна асарларини намойиш этиш, театр ва цирк санъати усталари томонидан **“устоз-шогирд”** анъаналари ва **маҳорат мактаблари** асосида таълим бериш тизими йўлга қўйилади;

в) номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, номоддий маданий мерос бўйича **халқаро рўйхатлар ва реестрларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш** бўйича янги ташаббуслар ва лойиҳалар амалга оширилади ҳамда мазкур фаолият билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари фаолияти қўллаб-қувватланади.

5. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, аҳолининг маданий ҳаётини янада мазмунли ташкил этиш, айниқса, ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб қилиш учун маданият марказларида:

босқичма-босқич замонавий жиҳозланган кутубхоналар ва кинотеатрлар ташкил этилади;

муסיқа чолғучилиги ва ашула ижрочилиги бўйича **пуллик махсус курсларда** ўқитиш тизими жорий этилади;

б) 2024–2026 йилларда халқаро фестиваллар, форумлар ва республика даражасидаги маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишлари **босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилади.**

6. Маданият ва санъат соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқарувни рақамлаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи “ERP madaniyat” ягона бошқарув тизими жорий қилинсин:

маданият марказлари, болалар муסיқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар, техникумлар фаолиятида **бошқарув ва ташкилий жараёнларни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимлари ишлаб чиқилади**, ариза топшириш ҳамда битирганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олиш бўйича давлат хизматлари **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ва **давлат хизматлари марказлари** ахборот тизимлари билан интеграция қилинади;

маданият марказлари ва кўзи ожизлар учун адабиётларни буюртма асосида етказишга мўлжалланган ахборот тизимлари, аҳолига аудиовизуал асарларни тақдим қилишга мўлжалланган **махсус видео платформа** ҳамда ёшларга миллий муסיқа чолғулари тўғрисида дастлабки таълимни беришга мўлжалланган **“Cholg'u.uz”** мобиль иловаси ишлаб чиқилади;

Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларда тушумларни онлайн мониторинг қилишга мўлжалланган ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда **“UzASBO”** автоматлаштирилган дастурий мажмуаси билан интеграция қилинади.

7. “Ўзбектеатр” ҳамда **“Маданият таълими маркази”** давлат муассасалари ташкил этилсин. Бунда, **“Ўзбектеатр”** ва **“Маданият таълими маркази”** давлат муассасаларининг штат бирликлари **7 ва 8-иловаларда** келтирилган ташкилотларнинг умумий штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади ҳамда уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Маданият вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 27 июлдаги ПФ-114-сон Фармонига
1-илова

Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари

Қуйидагилар Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) маданият ва санъат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, унда иштирок этувчи давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини **мувофиқлаштириш** ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан **назоратни амалга ошириш**;

б) соҳага оид комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, маданият соҳасида фаолият юритадиган **нодавлат нотижорат ташкилотлар** ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш;

в) маданият ва санъат, шу жумладан, театр, кино, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш;

г) халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтириш, **Янги Ўзбекистонда дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш**;

д) маданият ва санъат ҳамда кино санъатидан унумли фойдаланган ҳолда ижодий рақобатни ривожлантириш;

е) номоддий маданий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш, санъат ва бадий ижодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш;

ж) маданият соҳаси инфратузилмасини модернизация қилиш, **босқичма-босқич рақамлаштириш**, халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш;

з) маданият ва санъат соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш.

**Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш ва қайта номлаш
ДАСТУРИ**

T/p	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Ташкилотнинг таклиф қилинаётган тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил қилинаётган ва қайта номланаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	“Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси	“Ўзбекцирк” давлат муассасаси	Ўзбекистон цирк санъати соҳасида фаолият юритадиган ташкилотлар, жамоалар, якка ижрочиларни бирлаштириш, халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ўзбек цирки санъати соҳасида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш “Ўзбекцирк” давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб белгиланади.
2.	“Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот мультимедиа маркази” давлат муассасаси	“Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази” давлат муассасаси	Чекка ҳудудлардаги иқтидорли ёшларнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқариш ва улар фаолиятини тизимли тарғиб этиш, маданият ва санъат борасида ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида концерт ва маданий шоу-томоша тадбирларини ўтказиш, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар учун тажриба алмашиш семинарлари, илмий-ижодий симпозиумлар, конференциялар, маҳорат дарсларини ташкил этиш марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланади.

Т/р	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Ташкилотнинг таклиф қилинаётган тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил қилинаётган ва қайта номланаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
3.	Маданият вазирлиги тизимидаги “Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси	Маданият вазирлиги тизимидаги “Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси” давлат муассасаси	Маданият вазирлиги тизимидаги бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш мазкур давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб белгиланади. “Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси” давлат муассасасида аҳолига, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига ва мамлакатимизга ташриф буюраётган туристларга хизмат кўрсатиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, молиялаштириш манбалари ҳамда штат бирликлари сақлаб қолинади.
4.	Маданият вазирлиги тизимидаги Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти	Маданият вазирлиги тизимидаги Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон миллий musiқа санъати академияси	Миллий musiқа санъати кластери яратиш, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда малакасини ошириш Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон миллий musiқа санъати академиясининг асосий вазифалари ҳисобланади. Академия тизимида Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати, Бухоро, Фарғона ва Урганч мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўтказилади.
5.	Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази	Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти	Номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро рўйхатлар ва реестрларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш бўйича янги ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириш Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институтининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Маданият вазирлиги тизимида янги ташкил қилинаётган муассасалар
РЎЙХАТИ

T/p	Янги ташкил қилинаётган муассасанинг тўлиқ (расмий) номи	Янги ташкил қилинаётган муассасанинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	“Ўзбектеатр” давлат муассасаси	Фармонга 7-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ давлат театрлари ва театр студияларининг умумий штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига ташкил этилиб, республикадаги давлат театрлари ва театр студиялари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатади.
2.	“Маданият таълими маркази” давлат муассасаси	Фармонга 8-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ таълим ташкилотларининг умумий штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига ташкил этилиб, таълим ташкилотлари самарали фаолият юритишини таъминлайди, уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатади ҳамда фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маданият вазирлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Маданият вазирлиги



Кинематография агентлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



***Изоҳ.** Кинематография агентлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармониغا 1-илованинг 16.2-позициясидаги бошқарув штат бирликлари Кинематография агентлигининг марказий аппаратида тўлиқ сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 27 июлдаги ПФ–114-сон Фармониغا
6-илова

Маданият ва санъат соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш
ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
I. Вазирлик ва тизим ташкилотларининг аниқ асосий фаолият йўналишларини белгилаш, қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш				
1.	Маданият вазирлигининг (кейинги ўринларда – вазирлик) маданият, санъат ва кинематография соҳаларидаги фаолият йўналишлари, вазифалари, функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш. Бунда: вазирлик зиммасига юклатилган тегишли соҳалардаги асосий вазифаларни (8 дан ортиқ) ; вазирликка юклатилган асосий вазифалардан келиб чиқиб, марказий аппарат, таркибий тузилмалар, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларининг функцияларини (200 дан ортиқ) ; вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш. Мазкур нормаларни ўзида акс эттирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил IV чорак	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинма ва тизим ташкилотларининг бирлаштирилиши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан уларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланади. Ортиқча, ишламайдиган, такрорий, бугунги кунда амалда бўлган, бироқ ўз аҳамиятини йўқотган 10 дан ортиқ функциялар чиқариб ташланади. Маданият ва санъат соҳаларида ваколатли орган ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти тўғри ва тизимли йўлга қўйилади.
2.	Маданият соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган концепция, стратегия ва “йўл хариталари”ни қайта кўриб чиқиб, уларни Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Театр ва цирк санъатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият марказлари фаолиятини замон талаблари асосида тубдан	2024 йил III чорак	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Маданият соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган концепция, стратегия ва “йўл хариталари” такомиллаштирилади. Театр ва цирк муассасалари, маданият марказлари фаолияти янада ривожлантирилади, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни оширилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш.			Шунингдек, таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 20 та давлат театри, “Ўзбекцирк” давлат муассасаси биноси ҳамда 450 тадан ортиқ маданият марказларида қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Натижада аҳолига сифатли маданий хизмат кўрсатишга эришилади.
3.	Қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш: Маданият йўналиши бўйича: Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини изчил давом эттириш ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш; маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирларини белгилаш; опера ва балет санъатини янада ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари бўйича: хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси ижросини таъминлаш. Кинематография бўйича: Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари ижросини таъминлаш; Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратишни таъминлаш.	2023–2026 йиллар давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов М. Маджидов, Б. Ахмедов М. Маджидов, Б. Ахмедов	Маданий ва ижтимоий соҳани такомиллаштириш орқали баркамол шахсни шакллантириш ва миллий маданиятни янада ривожлантиришга эришилади. Ватандошлар билан тизимли ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиши учун ватандошларнинг интеллектуал, касбий ва ресурс салоҳиятини жалб қилиш ҳамда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини янада мустаҳкамлаш ва миллий манфаатларини илгари суриш, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйиш имкони яратилади. Кинематография соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, кинофильмларни молиялаштириш тизимини яхшилашга ва соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга эришилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
II. Соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар кўриш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг тизимли муаммоларини ҳал этиш				
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–415-сон қарорига мувофиқ вазирлик тизимидаги, шу жумладан Кинематография агентлиги тизимидаги унитар корхона ва давлат унитар корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари босқичма-босқич юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ўзгартириш чораларини кўриш.	2024 йил IV чорак	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Вазирлик тизимидаги юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим турлари тугатилиб, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этилиши таъминланади.
5.	Қўйидагиларни амалга ошириш: соҳа мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш; аҳолига маданий хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этиш мақсадида маркетинг тизимини янада ривожлантириш ; мамлакатимизнинг миллий маданияти, санъати ва кино салоҳиятини хорижий мамлакатларда тарғиб қилиш бўйича янги тартибни жорий этиш.	2023 йил давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Маданият ва санъат соҳасига етук мутахассисларни жалб қилиш, кадрлар қўнимсизлигини бартараф этиш, тизимнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини янада ошириш ва шу орқали аҳолига маданий хизмат кўрсатиш кўлами ҳамда сифатини юксалтиришга эришилади. Мамлакатимизнинг миллий маданияти, санъати ва кино салоҳиятини ягона тартиб асосида тарғиб қилиш тизими жорий этилади.
6.	Вазирлик тизимидаги кўзи ожизлар кутубхонасини мавжуд штат бирликлари ҳамда барча мол-мулки, шу жумладан моддий-техника воситалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тизимига ўтказиш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил IV чорак	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Кўзи ожизлар кутубхонасининг мақсади ва фаолият йўналишига кўра мавжуд штат бирликлари ҳамда барча мол-мулки, шу жумладан моддий-техника воситалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тизимига ўтказилиши таъминланади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг кинематография соҳасида ижодий жараёнларни янада ривожлантиришга оид қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: “Ўзбекфильм” киностудиясида етакчи ижодкорлар, мутахассислар ва ижодий жамоаларни жалб қилган ҳолда давлат буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқаришнинг марказлашган тизимини ташкил қилиш; “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонаси фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, моддий-техника базасини такомиллаштириш ва 2024–2030 йилларда Ўзбекистоннинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига бағишланган 100 серияли хужжатли сериал ишлаб чиқариш; “Ёшлик” киностудиясида иқтидорли ёш ижодкорлар иштирокида болалар ва ўсмирлар аудиториясига мўлжалланган фильмлар, киножурналлар, киносолномалар ишлаб чиқариш.	2024 йил I чорак	Б. Ахмедов, Ф. Абдухаликов	“Ўзбекфильм” киностудиясида кино соҳасида фаолият юритаётган ижодкор ва мутахассислар, ишлаб чиқариш қувватлари жамланади ҳамда давлат буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш бўйича ягона тизим йўлга қўйилади. “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонасида Ўзбекистоннинг уч минг йиллик давлатчилик тарихи, юртимизда илм-фан, маданият ва санъат, ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланишига бағишланган юқори сифатли аудиовизуал маҳсулотлар яратилади. Кино санъати соҳасида ёш ижодкорларни кашф қилиш ва тарбиялаш ҳамда болалар ва ўсмирларга бағишланган юқори сифатли фильмлар яратиш бўйича самарали тизим яратилади.
III. Энергияни тежаш, унинг самарадорлигини ошириш ва соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш				
8.	Маданият, санъат, кинематография соҳаларидаги объектларни хатловдан ўтказиш. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда вазирлик таркибига кирувчи объектларга қайта тикланувчи энергия манбалари ўсқуналарини ўрнатишнинг 2023–2025 йилларга мўлжалланган манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: маданият ва санъат объектларини барпо этишда объектлар бўйича техник топшириқлар ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишда энергия тежовчи воситалар билан жиҳозлашни; маданият ва санъат объектларини барпо этиш бўйича тасдиқланган норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида тегишли талабномаларга ўзгартиришлар киритишни назарда тутиш.	2023 йил декабрь 2024 йил I чорак 2023–2025 йиллар давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Вазирлик тизимидаги бино ва иншоотларда энергия сарфини ҳар йили камида 30 фоизгача қисқартиришга эришилади. Уч йил мобайнида вазирлик таркибига кирувчи ташкилот ва муассаса биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш даражаси 100 фоизга етказилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
IV. Маданият ва санъат соҳаларида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йил давомида вазирлик ҳамда унинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш				
9.	Соҳадаги ташкилот ва муассасаларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: соҳага оид тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган ташаббусларни қайта кўриб чиқиш; соҳада тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган ишларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича Хукуматга таклифлар киритиш; соҳада давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида камида 2 та хорижий давлат тажрибасини ўрганиш ва энг илғор тажрибаларни Ўзбекистонда жорий этиш чораларини кўриш; 15 та маданият ва санъат муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига бериш; давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш орқали “Ўзбекцирк” давлат муассасаси фаолиятига инвесторларни жалб қилиш чораларини кўриш; кинематография бўйича тизимдаги 8 та ёпиқ ва ёзги кинотеатрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга бериш ҳамда ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.	2023–2025 йиллар давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш, таъмирлаш, маданият муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун хусусий шериклик (тадбиркорлик субъектлари) ҳисобидан 29,5 млрд сўм инвестиция маблағлари жалб қилиниб, жами 250 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Давлат бюджети маблағлари тежалиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатадиган замонавий маданият марказлари ташкил этилади. “Ўзбекцирк” давлат муассасасига хусусий шериклик ҳисобидан 55 млрд сўм инвестиция маблағлари жалб қилиниб, янги иш ўринлари яратилади.
V. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат талаб этиладиган фаолият тури, уларни бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони, хизмат кўрсатиш вақти ҳамда уларни бериш учун тўловлар (йиғимлар) миқдорини камайтириш				
10.	Фильмни оммавий намойиш этиш учун бир марталик рухсатнома бериш тизимини соддалаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича тўловларни камайтириш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш.	2023–2024 йиллар давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Фильмлар оммавий намойишини амалга оширувчи тадбиркорларга қулайликлар яратилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
VI. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (ўларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш				
11.	“Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида қуйидаги давлат буюртмаларини бериш: маданият соҳаси бўйича: 40 та янги спектакль саҳналаштиришга; композиторлар ва бастакорларга 40 та янги мусиқа асарлари, шу жумладан, опера, симфония, оратория каби мумтоз ва замонавий жанрлар, хусусан, эстрада бўйича асарлар яратишга; камида 100 та юксак бадиий савиядаги интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратишга; камида 150 та энг яхши миллий қўшиқларни караоке ёрдамида ижро қилиш учун қайта ишлашга; миллий куйлардан иборат мусиқий альбомларни тайёрлаш ва оммалаштириш ишларига; кинематография соҳаси бўйича: 30 та тўлиқ метражли бадиий фильмларга; 13 та қисқа метражли фильмларга; 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, ижтимоий роликлар, киносолномаларга; 50 та мультипликацион фильмларга.	2023–2024 йиллар давомида	Б. Ахмедов	Ўзбек халқининг асрлар давомида авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган миллий мумтоз ва замонавий мусиқа, театр ва томоша санъати анъаналарини бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини оширишга эришилади. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлари яратилишига, миллий кино маҳсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига ҳамда аҳолини миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эришилади.
VII. Вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни ва улардаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича тақлиф тайёрлаш				
12.	Вазирлик тизимидаги давлат унитар корхоналари ва муассасалари фаолиятини қайта кўриб чиқиб, улар фаолиятини такомиллаштириш, мақбуллаштириш ва хусусийлаштириш бўйича тақлиф ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Иқтисодиётда хусусий сектор улушининг ошишига эришилади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
VIII. Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг моделини такомиллаштириш				
13.	Маданият соҳаси бўйича болалар мусиқа ва санъат мактабларига ўқувчиларни қабул қилиш учун аҳоли томонидан ариза бериш амалиётини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн амалга оширишни жорий этиш.	2024/2025 ўқув йилидан бошлаб	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Сунъий бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, ота-оналар фарзандларини мусиқа ва санъат мактабларига ўқишга қабул қилиш бўйича электрон ариза бериш имкони пайдо бўлади.
IX. Вазирлик ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида коррупция авж олган соҳаларда унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига “ташхис қўйиш” ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш				
14.	Соҳада коррупцион омиллар юқори бўлган вазифа ва функциялар қайта хатловдан ўтказган ҳолда, мазкур йўналишларни тегишлича хусусий секторларга ўтказиш ёки ушбу функция ва вазифаларни рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш чораларини кўриш. Бунда, биринчи навбатда вазирлик ва унинг тизимида кирувчи ташкилотларнинг давлат фуқаролик хизматида тегишли вакант лавозимларига фуқароларни “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” орқали ишга қабул қилишни назарда тутиш. Шунингдек, қўшимча равишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: тизимдаги олий таълим муассасаларига касбий (иждодий) кириш имтиҳонлари ҳамда талабаларнинг якуний назорат ишларини топшириш жараёнларини онлайн кузатиб бориш механизмини жорий этиш; вазирлик томонидан ташкил этилаётган 3 босқичли (туман (шаҳар), вилоят, республика) танловларни 1 босқичли (республика) кастинг асосида ташкил этишни жорий этиш.	2023 йил давомида	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Таълим муассасаларида ўтказилган кириш имтиҳонлари ва якуний назорат ишларини ижтимоий тармоқ ҳамда электрон платформалар орқали тўғридан-тўғри кенг ёритиш натижасида шаффофлик таъминланади. Танлов жараёнларини очиқлик ва шаффофлик асосида жамоатчилик назоратида ташкил этиш механизми яратилади. Соҳанинг хизмат кўрсатиш кўлами ва сифати ошади, бюджет маблағларини тежаш, коррупция ва суиистеъмолчилик ҳолатларини олдини олишга эришилади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
Х. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан вазирлик ва тизим ташкилотларининг иш жараёнини рақамлаштириш				
15.	Маданият ва санъат соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқарувни рақамлаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш, соҳадаги коррупцион омилларни бартараф этиш ва шаффофликни таъминлаш, ўзбек миллий контентини янада бойитиш, аҳолини сифатли ва ўзбек менталитетига мос бўлган аудиовизуал асарлар билан таъминлашни назарда tutувчи “ERP madaniyat” ягона бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича 2023–2027 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ва мактаб-интернатлар, коллеж, техникумлар фаолиятида бошқарув ва ташкилий жараёнларни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва ариза топшириш ҳамда битирганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олиш давлат хизматини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат хизматлари марказлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш; маданият марказлари ва кўзи ожизлар учун адабиётларни буюртма асосида етказишга мўлжалланган ахборот тизимлари, аҳолига аудиовизуал асарларни тақдим қилишга мўлжалланган махсус видео платформа ҳамда ёшларга миллий мусиқа чолғулари тўғрисида дастлабки таълимни беришга мўлжалланган “Cholgu.uz” мобиль иловасини ишлаб чиқиш ҳамда Миллий танловлар платформаси (milliytanlov.uz)ни такомиллаштириш; оммавий маданий тадбирлар, концерт-томоша дастурлари учун сотиладиган чипта нархларининг сунъий оширилишини	2024 йил I чорак	М. Маджидов, Б. Ахмедов	Республикадаги давлат мукофотлари билан тақдирланган маданият ва санъат соҳаси вакиллари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади. Танловларни ташкил этишдаги 2 та босқич (туман, вилоят) тугатилиб, инсон омили камаяди. Соҳага рақамли ахборот технологиялари жорий этилади, ортиқча қоғоз ва ҳужжатлар юритишдан воз кечилади, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилади, шаффоф ва ихчам тизим яратилади ҳамда ушбу ҳужжатларнинг юритилишини рақамлаштириш орқали таълим сифатини доимий мониторинг қилиш имкони яратилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул бўлган раҳбар ўринбосари	Бажарилган ишларнинг пировард натijasи
